




International
Labour
Organization

► Ижтимоий ҳимоя ва аҳоли бандлигини таъминлашга қўмаклашишнинг ўрни Ўзбекистон ёшлари нигоҳида

Тез сўров натижалари



► **Ижтимоий ҳимоя ва
аҳоли бандлигини
таъминлашга
қўмаклашишнинг ўрни
Ўзбекистон ёшлари
нигоҳида**

Тез сўров натижалари

© Халқаро меҳнат ташкилоти, 2022
биринчи нашр, 2022 йил

Халқаро меҳнат бюросининг нашрлари Жаҳон муаллифлик ҳуқуқи Конвенсиясининг 2-протолига мувофиқ муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимоя қилинади. Бироқ, улардан қисқа парчалар, агар манба кўрсатилган бўлса, рухсатсиз кўпайтирилиши мумкин. Кўпайтириш ёки таржима ҳуқуқларини олиш учун, қуйдаги манзил: ХМТ нашрлари (Ҳуқуқ ва лицензиялаш), Халқаро Меҳнат Бюроси, Ч-1211, Женева 22, Швейцария, ёки rights@ilo.org электрон почта орқали мурожат қилиш мумкин. Халқаро меҳнат бюроси бундай мурожаатларни маъқуллайди.

Интеллектуал мулк ташкилотларида рўйхатдан ўтган кутубхоналар, муассасалар ва бошқа фойдаланувчилар ушбу мақсадда уларга берилган лицензияларга мувофиқ нусха кўчиришлари мумкин. Мамлакатингизда интеллектуал мулк ташкилотларини топиш учу www.ifrro.org саҳифасига ташриф буюринг.

ISBN: 9789220369661 (print),
ISBN: 9789220369678 (web PDF)

Шунингдек, инглиз тилида чоп этилган: The role of social protection and employment promotion as viewed by the young people of Uzbekistan. Rapid poll results. ISBN: 9789220369623 (print), 9789220369630 (web PDF). Moscow, Russia, International Labour Organization, 2022; рус тилида: Роль социальной защиты и мер по содействию занятости: мнение молодежи Узбекистана. Результаты экспресс-опроса. ISBN: 9789220369647 (print), 9789220369654 (web PDF). Москва, Россия: Международная Организация Труда, 2022.

Бирлашган Миллатлар ташкилотида қабул қилинган амалиётга мос келадиган номлар ва ушбу нашрдаги материалларнинг тақдим этилиши халқаро меҳнат бюросининг бирон бир мамлакат, майдон ёки ҳудуд ёки уларнинг ҳокимиятининг ҳуқуқий мақоми ёки уларнинг чегараларини демилитация қилиш тўғрисида ҳеч қандай фикрини билдирмайди.

Имзоланган мақолалар, тадқиқотлар ва бошқа асарларда билдирилган фикрлар учун жавобгарлик фақат уларнинг муаллифларига тегишли ва уларни нашр этилиши Халқаро меҳнат идораси билдирилган фикрларни қўллаб-қувватлайди дегани емас.

Фирмалар, тижорат маҳсулотлари ва жараёнлар номларига ҳавола қилиш уларнинг Халқаро меҳнат бюроси томонидан маъқулланишини англатмайди ва маълум бир фирма, тижорат маҳсулоти ёки жараёни эслатиб ўтмаслик уларни Халқаро меҳнат бюроси мақул деб топмаганлигидан далолат бермайди.

Тўлиқ маълумот олиш учун бизнинг веб саҳифамизга ташриф буюринг: www.ilo.org/publns.

Россияда чоп этилган.

► Мундарижа

Асос	1
Сўров ўтказиш методологияси	3
Ижтимоий ҳимоя	5
Хатарлардан ҳимояланиш идроқи	9
Бандлик	11
Хулоса	16
Маълумотномалар	18

► Асос

Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистонда ижтимоий ҳимояни мустаҳкамлаш бўйича Қўшма дастурининг амалга оширувчиларидан бири сифатида Ўзбекистон ҳукумати билан ижтимоий ҳимоя бўйича миллий стратегияни ишлаб чиқишда ҳамкорлик қилмоқда. Инклюзивлик ва кўп манфаатдор томонларни жалб қилиш стратегияни ишлаб чиқишда кузатиладиган асосий принциплардан биридир. Турли ижтимоий гуруҳлар ва уларнинг манфаатларини ифодаловчи ижтимоий шериклар ва фуқаролик жамияти ташкилотларининг иштироки одамлар ҳаёти давомида бошдан кечириши мумкин бўлган турли ўтишларни тўлиқ эътироф этиши ва ижтимоий ҳимоя сиёсати томонидан ҳисобга олинишини таъминлаш учун жуда муҳимдир. Булар ҳаёт циклининг ўтиш давлари бўлиб, ижтимоий ҳимоя ёш аёллар ва эркакларнинг таълимдан ишга ўтишини муваффақиятли бошқаришини, оилалар ёш болаларга ғамхўрлик қилишни удалашини, меҳнатга лаёқатли аҳолининг касблар ва тармоқлар ўртасида ўтишини амалга оширишини ва одамлар нафақага чиқиб, муносиб яшашларини таъминлаши мумкин. Ижтимоий ҳимоя, шунингдек, тизимли ўтиш давларини, айниқса бандликнинг ўта норасмий ва тартибга солинмаган шаклларида ва иқтисодий бирликлардан расмий иқтисодиётга ўтишни, шунингдек, иқтисодиётнинг яшил, парвариш ва рақамли тармоқларида муносиб иш топишни, шунингдек, молиялаштиришнинг барқарор шакллари таъминлашни ҳисобга олиши керак.

Ёшларнинг фикрлари, тажрибалари ва интилишлари айниқса муҳимдир, чунки ҳозирда ишлаб чиқиладиган сиёсат уларнинг ҳозирги ҳолатига ҳам, келажагига ҳам таъсир қилади. Марказий Осиёдаги аҳолиси энг кўп бўлган Ўзбекистонда 35,2 млн. киши истиқомат қилади, уларнинг 18 млн. нафари 29 ёшгача, бу эса Европа ва Марказий Осиёдаги энг юқори мутлақ ёшлар сони (Жаҳон банки, 2021). Юқори демографик дивидендлар муносиб иш ўринларини яратадиган ва меҳнат ресурсларини сафарбар қиладиган, шунингдек, ёшлар дуч келадиган ишончсизликни олдини олиш ёки юмшатиш учун ўтиш даврига қаратилган ижтимоий ҳимоя чораларини таклиф қиладиган сиёсатнинг тегишли бирикмасидан келиб чиқади.

► Глобал статистика пандемиянинг умуман иш билан таъминлашга ва ишчиларнинг турли гуруҳларига таъсирининг ишончли далилларини тақдим этади:

... 2020-йилда аёллар, ёшлар, ўрта ва паст малакали ишчилар учун глобал бандлик кўпроқ камайди.... Аёллар номутаносиб равишда таъсир остида қолишди: COVID-19 инқирозидан олдин (2019)

улар умумий бандликнинг 38,9 фоизини ташкил қилган бўлса, 2020 йилда улар иш ўринларини йўқотишларнинг 47,6 фоизини ташкил қилди. 2019-йилда жами бандликнинг атиги 13 фоизини ташкил этган, аммо 2020-йилда унинг улишига туғри келган бандлик даражасининг пасайишини 34,2 фоизи ёшларга номутаносиб таъсир кўрсатиш янада ҳайратланарли.¹

¹ ХМТ Монитори: Ковид ва иш дунёси. Саккизинчи нашр. Қуйдаги веб саҳифада мавжуд: https://www.ilo.org/global/topics/coronavirus/impacts-and-responses/WCMS_824092/lang--en/index.htm.

► 2019-йилда ЮНИСЕФ томонидан ўтказилган кенг кўламли сўровда 15–29 ёшдаги 4500 га яқин ёшларнинг интилишлари ўрганилиб, улар асосий ташвишлари, энг аввало, “яхши иш топиш” эканини кўрсатди”.² Турли хил маълумотлар шуни кўрсатадики, бу ажабланарли эмас:

Йигирмага кирган ёшларнинг ярмидан кўпи таҳсил олишни тугатган, аммо ҳали иш топа олгани йўқ. Ёшларнинг таълимдан бандликка ўтишини осонлаштириш самарали бандлик ва муносиб меҳнат орқали иқтисодий тараққиётда барчанинг

кенг ва инклюзив иштирокини таъминлашнинг энг муҳим вазифаси ҳисобланади. Жуда кўплар, айниқса, ёш аёллар, таълимдан ишлашга ўтишда ортида қолмоқда. Сабаблар кўп.... Шу сабабли, ёшларнинг таълимдан иш жойларига осонроқ ўтишларини таъминлаш учун кўплаб жабҳаларда барқарор ҳаракатлар талаб этилади. Бундай саъй-ҳаракатлар ҳар доим энг катта қийинчиликларга дуч келганларга, масалан, ёш аёллар, қишлоқ ёшлари ва иқтисодий ночор оилалардаги ёшларга кучли эътибор қаратишлари керак.³

Ўзбекистон ҳукумати ёшларнинг аҳволини яхшилаш, хусусан, таълим, бандлик, уй-жой, ижтимоий ҳимоя ва жамият ҳаётидаги иштирокини яхшилаш бўйича турли ёналишларда иш олиб бормоқда. Ўзбекистон Бандлик Дастури лойиҳасида муносиб иш ўринларига эга бўлиш масаласи кўриб чиқилган. Ижтимоий ҳимоя стратегияси лойиҳасида эса ижтимоий ҳимоя ва бандлик хизматлари ўртасидаги мувофиқлаштиришни такомиллаштириш чора-тадбирларига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, аҳолининг турли кам таъминланган гуруҳлари, жумладан, ёш аёллар, ногиронлиги бўлган ёшлар, кам таъминланган уй хўжаликларда ва ҳудудларда яшовчи шахсларга қаратилган. Маҳаллий даражада маъмурий жараёнлар ва аралашувларни такомиллаштириш учун бир қатор тадбирлар жорий этилди.

Масалан, 2020-йилда 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган ишсиз ёшларни аниқлаш ва уларнинг ишга жойлашишига олиб келадиган тегишли жавобларни ишлаб чиқиш мақсадида “Ёшлар дафтарчаси” жорий этилди. 2022-йил январ ойидан анъанавий жамият институти бўлган маҳаллаларда “Ёшлар етакчиси” лавозими жорий этилди. Ушбу “Ёшлар етакчилари”нинг асосий вазифаларидан бири ёшлар дуч келадиган муаммоларни кузатиб бориш ва уларни енгил учун зарур ёрдам кўрсатишдан иборат.

Ёшларнинг ижтимоий ҳимояга оид қарашлари ва уларнинг тизимдан умидларини билиш улар билан мулоқот қилиш ва уларга давлат сиёсатини шакллантириш имкониятини таклиф қилиш усулларида биридир. Бу интилиш ЮНИСЕФнинг 2020 йилги умуммиллий сўровида ёшлар томонидан билдирилди, унда “...улар ёшларнинг ҳаётини тажрибасига жиддий қизиқиш ва ёшлар билан фаол ҳамкорлик пайдо бўлишини муҳим деб билишди”.⁴ Ушбу тезкор сўровда аниқланган ижтимоий ҳимоя ва бандликка кўмаклашишга оид бўлган тажрибалар ижтимоий ҳимоя ва бандликка кўмаклашиш чора-тадбирлари мазмун-моҳияти ишлаб чиқишда эътиборга олинади ҳамда сиёсатни белгилаш, амалга ошириш ва мониторинг қилиш жараёнларига ёшларни янада кенгроқ жалб этишга хизмат қилади деган умиддамиз.

2 UNICEF 2020, Youth of Uzbekistan: Challenges and Prospects (Tashkent, 2020), стр. 107. В ходе масштабного обследования, проведенного в 2019 году среди 4500 молодых людей, 45% опрошенных в возрасте 15–30 лет указали «невозможность найти достойную работу» среди трех наиболее важных для себя проблем.

3 Ўзбекистонда тўлиқ ва самарали бандлик сари: ютуқ ва муаммолар, 26-бет. Интернетда куйдаги манзилда мавжуд: https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---europe/---ro-geneva/---sro-moscow/documents/publication/wcms_782059.pdf.

4 ЮНИСЕФ 2020, Ўзбекистон ёшлари: муаммолар ва истиқболлар, 98-бет. Интернетда куйдаги манзилда мавжуд: <https://www.unicef.org/uzbekistan/media/3541/file/Youth%20of%20Uzbekistan-%20Challenges%20and%20Prospects.pdf>.

► Сўров ўтказиш методологияси

Сўров ЮНИСЕФ томонидан ишлаб чиқилган ва ёшларни қарорлар қабул қилиш жараёнига жалб қилиш мақсадида миллий ҳамкорлар билан бошқариладиган У-Репорт платформасида ўтказилди. Ўзбекистонда У-Репорт оммабоплиги туфайли Телеграм мобил мессенжер платформасида ишлайди, бироқ сўровлар Facebook ва СМС орқали ҳам ўтказилади. У-Репорт мессенжер боти 226 000 дан ортиқ ёш фойдаланувчиларни боғлайди ва платформада ўтказилган сўровларга энг кўп жавоб берувчилар талабалар сони ҳисобланади. Айти пайтда У-Репорт Ўзбекистондаги ягона кенг қамровли ёшлар платформаси бўлиб, бутун мамлакат бўйлаб ёшларнинг фикр ва муносабатлирини тезкорлик билан билиб олади.

Ушбу платформада ўтказилган сўровлар намуна олиш техникасидаги чекловлар туфайли ҳақиқий репрезентатив ҳисобланмаслиги керак. Бироқ, бу сўровлар ўзбек ёшлари ўртасидаги умумий тенденция ва муносабатларнинг расмини беради.

Ушбу сўров ёшларнинг ижтимоий ҳимоя ва бандликка кўмаклашишни қандай идрок қилишини кўрсатиш учун ишлаб чиқилган. 14 000 дан ортиқ респондент анкетани тўлдиришни бошлади, шулардан 8 708 нафари эса саволларнинг камида ярмига жавоб берди. Ушбу ҳисобот саволларнинг камида ярмига жавоб берганларнинг жавобларини тақдим этади. Сўровномани биринчи ярми (4 та савол) ижтимоий ҳимоя ва уни ёшлар томонидан идрок этилиши билан боғлиқ. Сўровномани иккинчи ярмида (3 та савол) бандликка оид саволлар берилди. Мақсадли респондентларнинг ёши ва сўровнинг онлайн хусусияти туфайли сўров еттита савол билан чекланган.


Сўровноманинг демографияси

Сўров Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида ўтказилди. Самарқанд, Бухоро ва Қорақалпоғистон Республикасидан келган респондентларнинг улуши жами 10 фоизни ташкил этди ва бошқа вилоятлардаги иштирокчиларга нисбатан юқорироқ бўлди. Энг паст иштирок этиш даражаси Сурхондарё, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида қайд этилган (ҳар бир вилоятда 4 фоиздан). Респондентларнинг 54 фоизини эркаклар ташкил этди.

Респондентларнинг 70 фоизи мактаб, коллеж ёки университет талабалари бўлиб, 8,6 фоизи эса ҳам ўқийди, ҳам ишлайди; респондентларнинг 19,2 фоизи иш билан таъминланган, 7,4 фоизи эса ишсизларни ташкил этиди. Ишсизлар орасида иш қидираётганлар (жами респондентларнинг 5 фоизи) ва 2,3 фоизни ташкил этган иш билан таъминланмаган, касб-ҳунар таълим муассаларида таълим олмаяпган (ИТТО) ёшлар бўлган. Респондентларнинг атиги 0,5 фоизи бандликка кўмаклашиш дастурларида, масалан, жамоат ишлари дастурлари ва фаол меҳнат бозори дастурларида иштирок этган.

Респондентларнинг деярли 20 фоизи уларнинг ёши ҳақидаги саволга жавоб бермадилар. Ёшга оид маълумотларда хатолар ва нотўғри киритилган рақамлар ҳам мавжуд эди. Шу сабабли, ёш гуруҳлари ўртасида натижаларнинг ўзаро боғлиқлир жадваллари тузилмаган.

► Расм 1. Сўровноманинг демографияси



Datawrapper дастури ёрдамида яратилган

► Ижтимоий ҳимоя

2021-йилда Ўзбекистонда жами 48 та ижтимоий ҳимоя дастури таклиф этилди. Сўнги йилларда ялпи ички маҳсулотга нисбатан ижтимоий ҳимояга сарфланадиган харажатлар камайиб бормоқда ва 2020 йилда ушбу мақсадларга ялпи ички маҳсулотнинг (соғлиқни сақлашдан ташқари) қарийб 7 фоизи сарфланди. Ижтимоий ҳимоя бюджетининг энг катта улуши, яъни 85,6 фоизи ижтимоий суғурта дастурларига, 7,5 фоизи ижтимоий ёрдам дастурларига, 5,4 фоизи ижтимоий хизматларга ва 1,5 фоизи меҳнат бозори дастурларига йўналтирилди. Ижтимоий ҳимоя олувчилар сони бироз ошганига қарамай, унинг қамрови ҳам камайди. COVID-19 га жавобан ҳукуматнинг 2020 йилги бюджети маблағлари соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ёрдамни молиялаштиришга, шунингдек, давлат инвестицияларини кўпайтиришга қаратилган. Масалан, ижтимоий ёрдам олувчи хонадонлар сони қарийб икки баробар ошди. Шунга қарамай, бутун ижтимоий ҳимоя тизимига, хусусан, пенсиялар, ижтимоий ёрдам, ижтимоий ёрдам хизматлари ва меҳнат бозори дастурларига давлат харажатлари нисбатан кам даражада сақланиб қолди.

► Расм 2. Ижтимоий ҳимояни нима ташкил этади?
жавобларнинг умумий сонидagi ҳар бир тоифадаги % ⁵

Барча вариантлар	87%
Бандликка кўмаклашиш	11%
Ногирон болаларга, етим болаларга ғамхўрлик қилиш	9%
Жавоб бериш қийин	7%
Бошқа	7%
Муҳтожларга нақд пул имтиёзлари	6%
Муносиб ва хавфсиз иш шароитлари	4%
Ишсизлик нафақалари	3%
Кексалар ва ногиронларга ғамхўрлик кўрсатиш	2%
Зўравонлик қурбонларига психологик ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш	2%
Болалар нафақаларини тўлаш	2%
Қариялар учун пенсиялар	1%
Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақасини тўлаш	1%

5 Респондентлар биринчи навбатда “Бошқа” вариантини танлаб, бир нечта вариантни танлаш имкониятига эга бўлдилар. Респондентларнинг 26 фоиздан ортиғи ушбу вариантни танлади ва уларнинг аксарияти тақдим этилган рўйхатдан бир нечта тоифаларни танлади. Шу сабабли, ушбу саволга танланган жавобларнинг умумий сони (12 430) респондентларнинг умумий сонидан (8 708) ошади.

Шу боис, сўровнинг биринчи саволи ёшларнинг ижтимоий ҳимоянинг таркибий қисмлари ёки функцияларидан қанчалик хабардорлигини баҳолашга қаратилган эди.

8708 респондентнинг 87 фоизи ижтимоий ҳимоя болалар, ногиронлар, ишсизлар учун мўлжалланган кўплаб нақд нафақа дастурларидан, оналик ва бола парвариши, қашшоқликда яшовчи шахслар ва қариялар учун нафақалардан, шунингдек, иш жойларига киришни осонлаштирадиган ижтимоий ёрдам хизматлари ва дастурларидан иборат деб ҳисоблайди;

Бу шуни кўрсатадики, ёшлар ижтимоий ҳимояни инсонлар ҳаёти давомида дуч келадиган турли хавф-хатарларни бартараф этишга қодир бўлган комплекс дастур ва хизматлар мажмуи сифатида идроқ қилади.

Ишга киришни осонлаштиришда ижтимоий ҳимоянинг роли респондентларнинг 11 фоизи томонидан ягона жавоб сифатида танланди. Бу муҳим хулосадир, чунки бу сўровда иштирок этган ёш респондентлар ижтимоий ҳимоя ва бандликка кўмаклашиш дастурлари ўртасида сиёсат ва дастурий алоқаларни кучайтириш зарурлигини кўрсатмоқда. Ногирон болалар ва ота-она қарамоғисиз болаларга ғамхўрлик қилиш иккинчи ўринда турадиган ягона вариант бўлиб, респондентлар ижтимоий ёрдам хизматларининг ролига қанчалик муҳимлигини кўрсатиши мумкин.

Бу саволга жавоб берган кўплаб респондентлар ишсизлик бўйича нафақа ва кам таъминланган оилаларга нақд пул тўловларини ўз танловларидан чиқариб ташладилар. Ушбу респондентларнинг фикрича, ижтимоий ҳимоядан мақсад шахсий хусусиятлари (масалан, ногиронлик) ташқи тўсиқлар билан биргаликда етарли даромад олишга тўсқинлик қилаётган одамларга ёрдам беришдир, ишсизлик ва паст даромад эса ёмон иқтисодий вазиятнинг натижаси сифатида идроқ қилинди.

Нафақалар ва оналик нафақалари респондентларнинг жуда кичик қисми томонидан ягона вариант сифатида танланган. Респондентларнинг ёши ва талабалар сифатидаги таълим даражаси уларни ҳаётларининг ҳозирги босқичида ушбу дастурлар ҳақида камроқ ташвишланишга ундаши мумкин. Шунга қарамай, респондентларнинг аксарияти рўйхатдаги барча дастур ва хизматларни танлаш имконияти орқали ушбу тоифаларни ҳам киритишди.

Қизиғи шундаки, респондентларнинг катта қисми биринчи вариантни танлади, чунки ижтимоий ҳимояни аниқлаш улар учун қийин эди ёки у мавжуд вариантлардан "бошқача" эди. Бу ижтимоий ҳимоя масалаларини муҳокама қилишни кучайтириш зарурлигини кўрсатиши мумкин, чунки бу ёшлар келажакда ишчилар, ижтимоий ҳимояга ҳисса қўшувчилар бўлишади ва ундан манфаатдор бўлишади. "Бошқа" варианты, шунингдек, сўров иштирокчиларига ижтимоий ҳимоя нимани ўз

► **У-Репорт респондентларидан танланган фикрлар:**

- Шунингдек, қатъий асосий даромадни жорий этиш;
- иш ҳақи бўйича гендер фарқини камайтириш;
- қишлоқ ва чекка туманлар аҳолиси, боқувчисини йўқотган ёлғиз оналар, етим болаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш;
- таълим тўловларини камайтириш ёки муҳтожларга имтиёзли мақом бериш;

- кексаларга ва Темир дафтарга киритилганларга ёрдам бериш;
- таълим тизимини такомиллаштириш;
- ижтимоий ҳимоя муҳтожларга пул нафақалари ва ишсизлик нафақаларидан ташқари санаб ўтилган барча вариантлардан иборат;
- Иш ўринларини яратиш кўплаб муаммоларни ҳал қилади;
- Иқтисодиёт ўсганида/иш ҳақи оширилганда/коррупцияга барҳам берилганда ижтимоий ҳимояга эҳтиёж қолмас эди.

ичига олиши ёки эришиши кераклиги тўғрисида ўз фикрларини билдириш ва ижтимоий ҳимоя ҳақида фикр билдириш имкониятини берди.

► Расм 3. Ижтимоий ҳимоя билан қамраб олиш



Ўзбекистонда аҳолининг атиги 55 фоизи камида битта ижтимоий ҳимоя дастури билан қамраб олинган (ХМТ, ЮНИСЕФ ва Жаҳон банки, 2020 йил). Сўров шуни кўрсатдики, респондентларнинг 54 фоизи ҳеч ким ижтимоий ҳимояга эга бўлмаган оилаларда яшайди. Ушбу натижалар аҳолининг бошқа кенг кўламли сўровларида қайд этилганидек, ижтимоий ҳимоя билан умумий қамровга мос келади.

Респондентларнинг қарийб 24 фоизи нафақа олувчи аъзоси бўлган оилаларда яшашини айтди. Бу шуни кўрсатадики, респондентларнинг аксарияти меҳнатга лаёқатли ота-оналари билан яшайди ёки ўзларининг оилаларини тузган ва кўп авлодли уй хўжаликларида яшамайдилар.

Энг кўп тилга олинган иккинчи дастур бола парвариши бўйича нафақа бўлди - респондентларнинг 4 фоизи уларни оилалари олаяпти деб жавоб берди. ХМТнинг ижтимоий ҳимоя бўйича етакчи ҳисоботида кўра, Ўзбекистонда болаларнинг 29,2 фоизи ижтимоий ҳимоя билан қамраб олинган (ХМТ, 2021).

Жинс, минтақавий ёки касбий омилларга боғлиқ бўлган жавобларда сезиларли фарқлар йўқ эди. Қизиғи шундаки, респондентларнинг 3 фоизи ўз оилалари ижтимоий ҳимоя дастурлари билан қамраб олинган ёки йўқлигини билишмаган.

► **“Бошқа” вариантыни танлаган
респондентларнинг 1 фоизи қуйидагиларни
ёзган:**

- Гарчи мен ёлғиз она бўлганим ва уйимиз йўқлиги сабабли муҳтож оила бўлсак ҳам биз на аёллар дафтарида на ёшлар дафтарида ҳам қайд этилмаганмиз;
- Мени эгизак фарзандларим бор, муҳтожман, лекин ижтимоий ҳимояга мурожаат қилганимда,

ишга жойлашмаганлигим сабали рад жавобини беришди. Мен ижтимоий ҳимоя бундай вазиятларда ёрдам бериш учун мўлжалланган деб ўйлаган эдим;

- Ҳужжатларга кўра бизники бўлиши ққарамай, бизнинг маҳалла қўмитаси раиси бизга тегишли пулни ўзига олади;
- Отам афғон уруши ветерани, ногиронлиги бўйича нафақа олади;
- Мен тадбиркорлик учун субсидия оламан.


► Хатарлардан ҳимояланиш идроқи

Респондентлардан даромадлар, ижтимоий ёки иш билан боғлиқ хавфларнинг олдини олиш ёки юмшатиш учун ижтимоий ҳимоя қобилигини 1 (ўта камбағал) дан 5 (аъло) гача бўлган шкала бўйича баҳолаш сўралган. Барча респондентларнинг тўртдан бир қисми давлат ижтимоий ҳимояси уларнинг эҳтиёжларига қай даражада жавоб бериши ҳақида хулоса чиқара олмади.

6000 га яқин сўров иштирокчилари ижтимоий ҳимоянинг уларнинг эҳтиёжларига жавоб бериш қобилиятини баҳоладилар. Деярли ярмининг аксарияти уни 3 баллдан паст деб баҳолаган, респондентларнинг 22 фоизи эса ўзларини давлат томонидан қийинчиликлардан умуман ҳимояланаётганини ҳис қилмаган ва ижтимоий ҳимояни ўта ёмон деб баҳолаган. Респондентларнинг қарийб 25 фоизи ижтимоий ҳимоя билан қай даражада таъминланганликларини баҳолай олмадилар, чунки улар ҳали ижтимоий ҳимояга эришиш тажрибасига эга эмаслар.

Эркак респондентлар ижтимоий ҳимоядан аёлларга қараганда камроқ қониқиш ҳосил қилган. Хусусан, эркакларнинг 25 фоизи ижтимоий ҳимояни ўта ёмон деб ҳисоблаган бўлса, аёлларнинг 18 фоизи ҳам шу фикрга эга бўлган. Худди шундай, аёл респондентларнинг ижобий баҳолари эркакларникига қараганда бир оз кўпроқ бўлган; аёлларнинг 11 фоизи ва эркакларнинг 9 фоизи ижтимоий ҳимояга юқори баҳо берган. Шуниси эътиборга лойиқки, респондент аёлларнинг 28 фоизи ижтимоий ҳимоя таъминланишини баҳолай олмаган, чунки улар ҳаётларида ҳеч қачон ижтимоий ҳимоя хизматларига мурожаат қилмаганлар; эркак респондентлар орасида бу фоиз 22 фоизни ташкил этди.

► Расм 4. Ҳозирги фаолият туридан келиб чиқиб давлат ижтимоий ҳимоясини идрок этиш
1 = жуда паст 5 = аъло



Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, респондентларнинг фаоллигига қараб бу саволга берилган жавобларда сезиларли фарқлар мавжуд эди. Ёшга қараб ҳам фарқлар мавжуд. Ёш респондентлар давлат ижтимоий сиёсатидан кўпроқ мамнун бўлишса, кекса респондентлар, айниқса ижтимоий ҳимоя дастурларига муҳтож эмасман деб ўйлайдиганлар эса кўпроқ салбий баҳо беришган.

► Бандлик

Анкетанинг иккинчи блоки бандликка оид 3 та саволдан иборат бўлиб, 7558 респондент ушбу учта саволга жавоб берган:

- Илтимос, олдинги ёки давом этаётган иш тажрибангизни тавсифлаб беринг;
- Бу иш учун хақ тўланган/тўланмаган... тўланяпти/туланмаяпти;
- Иш топмоқчи бўлсангиз ёки ҳозирги ишингизни ўзгартирмоқчи бўлсангиз, қандай қилиб иш қидирасиз?

► Расм 5. Респондентларнинг олдинги ёки ҳозирги иш тажрибаси



Иш тажрибаси: У-Репорт платформасининг асосий мақсадли гуруҳи таълим муассасаларида таҳсил олаётган ёшлар бўлгани учун респондентларнинг 30 фоизи иш тажрибаси йўқ деб жавоб берган. Барча таълим муассасаларида ўқувчилар ўртасида иш стажига эга бўлмаганлар улуши 37,8 фоизни ташкил этди. Ишсизларнинг атиги 27 фоизи ва ИТТО тоифасидагилар иш тажрибасига эга эмас эди.

Сўровда қатнашганларнинг қарийб 70 фоизи иш тажрибасига эга бўлган. Иш тажрибасининг энг кенг тарқалган шакли давлат ташкилотларида бўлган - ишлаётган респондентларнинг 62 фоизи давлат муассасаларида ишлаган ёки ишлаётган, 40 фоизи эса ўқиш ва ишни бирлаштирган респондентлар бўлган, шунингдек, давлат бандлик дастурларида қатнашаётган ёшларни 34 фоизи давлат хизматларига жалб қилинган.

Амалий иш тажрибаси (стажировка) ва шогирдлик ёшлар орасида, айниқса талабалар орасида ҳам, кенг тарқалган; коллеж ва лицей ўқувчиларининг 24 фоизи ва университет талабаларининг 18 фоизи шу шартлар асосида ишлаган. Респондентларнинг қарийб 9 фоизи ихтиёрий иш билан шуғулланганлигини таъкидлаган ва бу жавоб ўрта мактаб ўқувчилари (14 фоиз), коллеж ва лицей ўқувчилари (12 фоиз) ва университет талабалари (10 фоиз) орасида юқори бўлган.

ЮНИСЕФнинг 2020 йил учун “Ўзбекистон ёшлари” ҳисоботида кўра, ёшларнинг 24,5 фоизи расмий ёки норасмий иш билан банд эканликларини билдирган, 14-30 ёшдаги ЮНИСЕФ респондентларининг 37 фоизи эса ўзларини ИТТО деб таснифлаган. ИТТО улуши 19-24 (56,3 фоиз) ва 25-30 (53 фоиз) ёшдаги ёшлар орасида хавотирли даражада юқори.

Аёллар орасида ИТТО бўлиш ёш аёллар орасида кўпроқ учрайдиган ҳол. У-Репорт сўрови асосан талабалар орасида ўтказилганлиги сабабли, ИТТО улуши эркак ёки аёл респондентлар учун 2 фоиздан дан ошмади. Бироқ, ЮНИСЕФ ҳисоботи шуни кўрсатдики, 19-24 ёшдаги аёлларнинг 69 фоизи ИТТО бўлган, бу кўрсаткич эркаклар учун 33 фоиз ташкил этган; шунингдек бу фоиз 25-30 ёшдаги аёллар орасида ундан ҳам юқори бўлиб, 74 фоизни ташкил этган, гарчи шу ёшдаги эркакларни атиги 25 фоизи ИТТО бўлган. 14-18 ёшдаги аёлларнинг атиги 1,7 фоизи ИТТО эканлигини таъкидлаган, бу шу ёш гуруҳдаги эркакларникидан унчалик фарқ қилмайди. Кекса ёшдаги ИТТОни кескин ўсиши ёш аёллар учун таълимдан ишга ўтишда тўсиқлар мавжудлигини англатади.


Аёл респондентларнинг 38 фоизи иш тажрибасига эга эмаслигини билдирган бўлса, бу ҳол эркак респондентларнинг орасида 23 фоизни ташкил этган. Жаҳон банкининг 2021 йил учун ҳисоботида тақдим этилган уй хўжаликларининг сўнгги маълумотларига кўра, 2017-йилда аёллар ўртасидаги умумий ишсизлик 15 фоиз ва эркаклар учун 3 фоизни ташкил этди. Бироқ ёш аёллар эркакларга қараганда меҳнат бозорига кириш ва иш жойларини сақлаб қолиш қийинроқ деб билганлар. 16-24 ёшдаги аёллар учун ишсизлик даражаси 28 фоизни ташкил этган бўлса, худди шу ёшдаги йигитлар учун бу кўрсаткич 9 фоиз бўлган. 25 ёшдан 34 ёшгача бўлган аёллар ва эркаклар ўртасидаги ишсизлик фарқи бироз пастроқ бўлиб, аёлларнинг орасида бу кўрсаткич 16 фоизни ва эркаклар ўртасида 2 фоизни ташкил этган. Бироқ, бу икки ёш гуруҳидаги аёллар ва эркаклар ўртасидаги ишсизлик фарқи доимий ва эҳтимол тизимли сабаблар мавжудлигини кўрсатади.

Хусусий компаниялар ва давлат ташкилотларида ишлашда гендер фарқи ҳам мавжуд: 5 фоиз аёл ва 10 фоиз эркак респондентлар хусусий компанияларда ишлаган; давлат ташкилотларида бу улушлар мос равишда 17 фоиз ва 24 фоизни ташкил этади. Халқаро меҳнат ташкилотининг меҳнат дунёсидаги гендер тенглигини таҳлил қилувчи ҳисоботида кўра, Ўзбекистонда аёллар учун расмий бандликнинг асосий таъминловчиси давлат сектори ҳисобланиб (ХМТ, 2021б) ишлаётган аёлларнинг 69 фоизи ва ишлаётган эркакларнинг 48 фоизи жамоат ташкилотларида ишлайди. Давлат ташкилотларида ишлаш ижтимоий ҳимоя дастурларидан фойдаланишни ҳам таъминлайди. 2018 йилда давлат сектори ходимларининг 98 фоизи ижтимоий ҳимоядан фойдаланиш имкониятига эга бўлган (ХМТ, 2021б). Бироқ, энг кам маош тўлайдиган учта саноат ҳам давлат секторига тегишли: таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар. Касбий

тафовутлар ва гендер иш ҳақи фарқи натижасида аёлларнинг иш ҳақи 2018 йилда эркаклар маошидан 35,2 фоизга кам бўлган.

Иш шароитлари: Барча респондентларнинг 43 фоизи иши расмий бўлиб меҳнат дафтарчасида тегишли равишда белгиланганлиги айтди; йигитлар орасида бу кўрсаткич 46 фоизниё, аёллар орасида эса 40 фоизни ташкил этди.

► Расм 6. Иш тури



Иккинчи энг кенг тарқалган иш тури – нақд пул тўланадиган норасмий иш. Ўқувчиларнинг аксарияти ҳақ тўланмайдиган меҳнат билан шуғулланган: ўрта мактаб ўқувчиларининг 14 фоизи, коллеж ва лицей ўқувчиларининг 19 фоизи ва университет талабаларининг 16 фоизи. Шуниси эътиборга лойиқки, бандликка кўмаклашиш марказлари дастурларида иштирок этаётган респондентларнинг 19 фоизи ҳам аввалги ишларига ҳақ тўланмаганлигини маълум қилган.

Иш тажрибаси ҳақидаги саволга берилган жавобларда Тошкент шаҳридан ташқари вилоятлар ўртасида катта фарқ йўқ. Умуман олганда, респондентларнинг 8 фоизи хусусий компанияларда

ишлаган деб жавоб берган бўлса, Тошкент шаҳрида эса бу ҳол 24 фоизни ташкил этган. Амалий иш тажрибаси (стажировка) ва шогирдлик пойтахт ва Тошкент вилоятида мос равишда 8 фоиз ва 6 фоизни ташкил этган ҳолда кенг тарқалган эмас; қолган вилоятлар бўйича ўртача кўрсаткич 14 фоизни ташкил этди.

Иш қидириш: Ишга жойлашиш имкониятлари ҳақида маълумот олиш учун энг машҳур манба шахсий тармоқлардир; респондентларнинг 26 фоизи ўз дўстлари ва танишлари ёрдамига мурожаат қилишларини ва ушбу манба ҳар иккала гендер гуруҳлар учун бир хил даражада муҳимлигини таъкидладилар. Шахсий тармоқлар ҳақидаги бу фикр бандликка кўмаклашиш марказлари дастурлари иштирокчиларига (19 фоиз) қараганда иш билан бандлар (30 фоиздан ортиқ) орасида кенг тарқалган.

► Таблица 1. Фаолият турига қараб бандлик имкониятлари ҳақида маълумот манбалари

Қатор ёрлиқлари	Жами	Ўрта мактабда тахсил олаётган	Лицей ёки коллежда тахсил олаётган	Университетда тахсил олаётган	Тахсил олаётганларва ишлаётганлар	Ишлаётганлар	На тахсил олаётганлар на ишлаётганлар	Иш қидираётганлар	Бандликка кўмаклашиш марказлари дастурларида иштирок этаётганлар	Бошқа
Дўстлар, танишлар	26%	21%	29%	23%	33%	31%	26%	27%	19%	29%
Ижтимоий тармоқлар	20%	16%	13%	23%	19%	17%	22%	19%	19%	10%
Бандликка кўмаклашиш марказлари	14%	13%	20%	16%	11%	10%	10%	11%	25%	14%
Карьера веб-саҳифалари	11%	10%	6%	11%	13%	15%	14%	10%	3%	8%
Бошқа	8%	13%	9%	8%	9%	6%	3%	8%	–	13%
Пул топиш учун чет элга бориш	7%	8%	4%	5%	5%	11%	16%	13%	9%	9%
Оилавий алоқалар	6%	8%	11%	6%	5%	4%	5%	4%	6%	6%
Меҳнат бозорлари	5%	6%	4%	5%	5%	5%	4%	3%	19%	7%
Очиқ эълон қилинган бўш иш ўринлари	2%	2%	3%	3%	1%	–	1%	3%	–	1%
Босма оммавий ахборот воситалари	1%	1%	1%	1%	–	0%	1%	1%	–	1%

Бандликка кўмаклашиш марказларининг (БКМ) дастурлари бандлик имкониятларини тақдим этса ҳам, бу вариант ёшлар орасида машҳур бўлмади; ёшларни фақат 14 фоизи иш билан таъминлашда ёрдам сўраш учун ушбу марказлардан фойдаланишни ўйлайди. Ишсизларнинг атиги 11 фоизи ишга жойлашиш имкониятлари ҳақида билиш учун БКМлардан фойдаланади ва ИТТО бўлган респондентларнинг фақат 10 фоизи бунга амалга оширади. Бандликка кўмаклашиш дастурлари иштирокчилари респондентларнинг бошқа гуруҳларига қараганда бандликка кўмаклашиш марказларига кўпроқ ишонишган, чунки бу иштирокчиларнинг 25 фоизи БКМга мурожаат қилиш тайёриқларини билдиришган. Бандликка кўмаклашиш марказларидан фойдаланадиган аёллар улуши (18 фоиз) эркекларникига (10 фоиз) нисбатан қарийб 8 фоиз юқори.

Ўзбекистон ҳукумати тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун имтиёзли кредитлар, солиқ имтиёзлари, давлат маблағлари ҳисобидан субсидиялар, жумладан, ижара ҳақини тўлаш ва мулк сотиб олиш учун “Ёшлар дафтарчаси”⁶ маблағлари билан таъминлаш орқали ёшларнинг яқка тартибдаги бандлигини қўллаб-қувватлайди. Ўзбекистон сўнгги пандемия даврида ижобий иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолган кам сонли давлатлардан бири бўлди. 2022-йилда Жаҳон банкининг “Глобал иқтисодий истиқболлар” ҳисоботида кўра (Жаҳон банки, 2022-йил), Ўзбекистон иқтисодиёти 5,6 фоизга ўсади. Бундай ижобий тенденцияларга қарамай, Ўзбекистонда демографик ўсиш иқтисодий ўсишдан ошиб кетмоқда ва бу миллий иқтисодиёт ўзлаштира оладиганидан кўпроқ меҳнат ресурсларини ҳосил қилади. Бу номуносиблик 2,5 миллион Ўзбекистонлик фуқаронинг хорижда иш излашига сабаб бўлди (ХМТ, 2020). 16 ва ундан катта ёшдаги одамларнинг тахминан 5,5 фоизи халқаро меҳнат муҳожирлари бўлиб, меҳнат муҳожирларининг энг катта ёш тоифаси 25 дан 34 ёшгача (Жаҳон банки, 2021). Ўзбекистонлик меҳнат муҳожирлари учун энг кўп йўналишлар учлиги камайиш тартибида Россия, Қозоғистон ва Туркиядир. Сўров натижаларига кўра, меҳнат миграцияси энг кўп учрайдиган бешинчи вариант бўлган, лекин ИТТО (16 фоиз), ишсиз (13 фоиз) ва ишлайдиган (11 фоиз) респондентлар орасида кўпроқ тарқалган. Потенциал ишга жойлашиш имконияти сифатида меҳнат миграциясини афзал кўрган эркеклар улуши аёлларникидан икки баравар кўп (4 фоизга нисбатан 10 фоиз).

6 Батафсил маълумотни онлайнда топишингиз мумкин: <https://lex.uz/docs/5382163>.

► Хулоса

Ўзбекистоннинг кўп сонли ёш аҳолиси мамлакатнинг улкан иқтисодий ривожланиш режаларига салмоқли ҳисса қўшиши мумкин. Олий таълим муассасаларига ёшларни қабул қилиш кўпайиб, касб-хунар ва ўрта махсус таълим тизими сўнгги пайтларда ислоҳ қилинди. Ёшлар дуч келаётган муаммоларга жавоб бериш учун 2020-йилда Ёшлар масалалари бўйича махсус агентлик ташкил этилди. Ёшлар бандлиги ва тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш бўйича махсус дастурлар ишлаб чиқилди. Оптимистлик жиҳатдан паст нуқтаи назардан, ёшларнинг меҳнатдан олган даромадлари етарли бўлмаганда асосий даромад кафолати, шунингдек, соғлиқни сақлаш, ижтимоий хизматлар ва ижтимоий суғуртадан фойдаланиш имконияти чекланган кўринади. Уларнинг ижтимоий ҳимоя тизими билан ўзаро алоқаси, асосан, ҳозирги вақтда ижтимоий ҳимоя билан қамраб олинган оила аъзолари орқали “иқиламчи” хусусиятга эга.

Сўров шуни кўрсатдики, ёшларнинг ижтимоий ҳимоя ва бандликка қўмаклашиш дастурларига нисбатан ишончи паст. Респондентларнинг аксарияти хавф-хатарлардан ўзларини ҳимояланмаган деб билишади. Ижтимоий ҳимоя ва бандликка қўмаклашиш дастурлардан фойдаланишга ҳаракат қилганлар турли хил тажрибага эга, аммо умумий хулоса шуки, таклиф этилаётган хизматлар ва тарғибот турларини ва қопланиши керак бўлган хавфларни яхшилаш зарур.

Муҳим жиҳатлардан бири шундаки, ёшларнинг мутлақ кўпчилиги ижтимоий ҳимоя тизими ҳаёт давомида турли хавф-хатарларни юмшатиш учун етарли даражада кенг қамровли бўлиши керак ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш хизматлари ва бандлик дастурлари ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш зарур деб ҳисоблайди. Таълимдан бандликка осон ўтишни таъминловчи сиёсат Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун жуда муҳимдир (ХМТ, 2021с). Бу ёш аёллар, қишлоқ ёшлари ва кам таъминланган уй хўжаликларидаги ёшлар (ХМТ, 2021с) каби меҳнат бозорида ноқулай аҳволда бўлганлар ва айниқса, ушбу мезонлардан бир нечтасига жавоб берадиганлар учун кўпроқ аралашувни талаб қилади.

Сўров шуни кўрсатадики, ишсизлик нафақалари муҳим ижтимоий ҳимоя дастури сифатида қаралмаган. Шу боис ёшларнинг ўз ҳуқуқ ва имтиёзлари билан танишишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Ишни йўқотиш ҳолатида ҳимоя қилиш халқаро ижтимоий ҳимоя стандартларининг ажралмас қисмидир. Ишсизликдан ҳимоя қилиш чоралари, шунингдек, меҳнат бозорига янги киришувчиларга ҳам йўналтирилиши керак. Акс ҳолда, ёшлар ишсиз қолиш ёки муносиб меҳнат шароитлари ва касаллик, жароҳатлар ва ишсизликдан ижтимоий суғурталашни таъминлайдиган меҳнат қонунчилик нормалари мавжуд бўлмаган иқтисодиётнинг норасмий тармоғида меҳнат фаолиятларини бошлаш хавфи остида.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш миллий стратегиясининг асосий вазифаларидан бири ижтимоий ҳимоя қамровини ошириш ва уни норасмий ишчиларга кенгайтириш. Расмий ишга жойлашиш имкониятлари ва муносиб иш ўринлари йўқлиги сабабли кўплаб ўрта мактаб битирувчилари норасмий ишларда ишлаб ёки меҳнат муҳожирлари сафига қўшилиб, ижтимоий ҳимоя тизимидан четда қолмоқда. Уларнинг муносиб меҳнат шароитларини таъминлаш учун ижтимоий суғурта дастурлари билан қамраб олинишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

► ХМТ ўз тавсияларида жуда аниқ:

Энг кўп эътиборга муҳтож бўлган соҳалар – индивидуал маслаҳат ва йўналтириш хизматлари; меҳнат бозоридаги мавжуд маълумотларни тизимлаштириш ва таҳлил қилиш; фаол ва пасив меҳнат бозори сиёсатининг адекват тизимининг мавжудлиги; ва меҳнат бозори сиёсатини молиялаштириш механизмларини кўриб чиқиш. ...

Иккинчи асосий муаммо – бу хизматни ташкил этиш. Ҳозирги вақтда ҲБА хизматларини етказиб

бериш қисмлари учун масъул бўлган жуда кўп алоҳида бўлинмалар мавжуд. Бу муқаррар равишда такрорланишларга, маълумот бўшлиқларини келтириб чиқаради ва бандлик хизматининг вазифасини бажаришга нисбатан интеграциялашган ёндашувни йўқотади. ХМТ таклифи бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги таркибида вазирнинг бир ўринбосари бошчилигидаги “Бандлик” деб номланган алоҳида бўлимни ташкил этишни назарда тутди (ХМТ, 2021с, 47-бет).

Ўзбекистон каби улкан демографик салоҳиятга эга мамлакатларда ёшларнинг сиёсатни шакллантириш жараёнларида иштирок этиши иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг муҳим шартидир. Ижтимоий ҳимоя, қашшоқликни камайтириш ва бандликка кўмаклашиш каби миллий ривожланишнинг асосий стратегияларини ишлаб чиқишда ёшларнинг фикрлари ажралмас эътиборга олиниши керак. У-Репорт каби платформалар ёшлар билан мулоқот қилиш ва уларнинг фикрларини тушуниш учун ажойиб имконият яратади. Расмий маслаҳат каналлари ёшларни давлат сиёсатини ишлаб чиқиш жараёнларига жалб этиши ҳам бирдек муҳим.

► Маълумотномалар

ХМТ, ЮНИСЕФ ва Жаҳон банки (2020), Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя тизимини баҳолаш. Асосий диагностика воситаси (АДВ) асосида. Халқаро меҳнат ташкилоти/ХМТ, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар Жамғармаси/ЮНИСЕФ ва Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки/Жаҳон банкининг қўшма ҳисоботи.

ХМТ (2020), СОВИД-19 нинг Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий вазиятга таъсирини баҳолаш: даромад, меҳнат бозори ва ижтимоий ҳимоядан фойдаланиш. Инқироз чоралари ва давлат сиёсатини такомиллаштириш йўллари ҳақида умумий маълумот. Халқаро Меҳнат Ташкилоти.

ХМТ (2021), ХМТ Монитори: КОВИД ва иш дунёси. Саккизинчи нашр. Онлайнда мавжуд: https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---dgreports/---dcomm/documents/briefingnote/wcms_824092.pdf.

ХМТ (2021), Бутунжаҳон ижтимоий ҳимоя ҳисоботи 2020-.22: Чорраҳадаги ижтимоий ҳимоя-яхшироқ келажакка эришиш. Халқаро меҳнат идораси,. Женева: ХМТ.

ХМТ (2021), Ўзбекистонда аёллар ва меҳнат дунёси. Гендер тенглиги ва ҳамма учун муносиб иш сари. Халқаро Меҳнат Ташкилоти

ХМТ (2021с), Ўзбекистонда тўлиқ ва самарали бандлик сари: ютуқлар ва муаммолар. ХМТ Шарқий Европа ва Марказий Осиё учун муносиб иш техник қўллаб-қувватлаш жамоаси ва мамлакат офиси. Мамлакатлар бўйича бир қатор бандлик ҳисоботлари.

Жаҳон Банки (2022), Global Иқтисодий Истиқболлар. Жаҳон банки гуруҳининг асосий ҳисоботи. Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки.

► **Боғланиш учун:**

Муносиб меҳнат бўйича техник қўллаб-қувватлаш бўлими
ва ХМТнинг Шарқий Европа ва Марказий Осиё бўйича
бюроси

Петровка кўчаси, 15,
23 офис, Москва,
Россия федерацияси, 107031

тел.: +7 495 933 08 10
факс: +7 495 933 08 20
E: moscow@ilo.org

